

Жонийнинг номи Мулла Курбон бўлиб, унинг яшаган ва ижод этган вакти XVIII асрнинг охирги чораги ва XIX асрнинг биринчи ярмига тўгри келади. У Бухорода яшади ва ижод этди. Сайфий деган шоир Жонийнинг вафотига багишлаб ёзган тарих — марсиясида:

Хирад пири деди уйкумга тарих айлагил Сайфий,
Дедим минг икки юз эллик бошида Жони жон кетди.

деб ёзади. Демак Жоний 1250 (1834) йилда вафот этган. Бизга маълум бўлган тазкираларда Жоний биографиясига оид маълумотлар учрамайди. Аммо шоирнинг мукаммал девонидан икки нусхаси бизгача етиб келган. Улар хозир Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шаркшунослик институтида сакланмокда. (Инв. № 125, инв № 7483) Ушбу тўпламга киритилган Жоний шеърлари тахминан 1833/1834 йилларда кўчириб ёзилган девонидан (инв. № 125) олингандир.

«ДЕВОН»ДАН

ГАЗАЛЛАР

* * *

Турди бўстон сайрига сарви хиромон силкиниб,
Килди пояндоз гул баргин гулистон силкиниб.

Кулгусидин гул сочиб, кизлар билан нозин кўруб,
Панжасида зарларин гул килди эхсон силкиниб.

Зулф бирлан ўйнабон атридин анбар тўkkанин,
Сунбул они кўрди-ю, бўлди паришон силкиниб.

Гунча гуфторин кўруб чирманди хазро пардага,
Сарв рафторин эшитиб, колди хайрон силкиниб.

Хар ким ўз гулрўйига махв эрди, Жоний, бил они
Гул юзин кўрди-ю, булбул килди афғон силкиниб.

* * *

Йиглатди кўзларимни ажаб лабларинг кулуб,
Важдим бу эрди шамъи жамолингдин ўргулуб.

Хар кайси бошка-бошка тилар садка бўлмагин
Кошу кўзингга жону кўнгул акл олдуруб.

Васлинг тириклигим сабаби субху шом, бас,
Бошинг учунки борма менинг кўнглими узуб.

Таъбир килдим ой юзинга мунзави калаф,
Рухсоринг узра хатти муанбарни туш кўруб.

Бир кўрмак иштиёқидин эй навбахори хусн,
Тунларнн ўткуурў йўлинг устида ўлтуруб.

Сен шод сайр ичинда паричехралар била,
Мен хаста дод бир гўшада зор телмуруб.

Жоний, нихояти талабинг кўйи туфроги
Жон берса оз эмастур оёгингга бош кўюб.

* * *

Санга бир кун дедим, эй махжабин, шомимни маҳтоб эт,
Сен айдинг йигламоқдин ашки олинг бодаи ноб эт.

Мен онга навха килдим холима бир келмадинг харгиз,
Гулоб урмай, кўзум мардумларин дерсенки симоб эт.

Сариг руҳсор уза гулгун сиришким холатин кўргил,
Гулистон ичра раъно коматингдин гулни бетоб эт.

Хатинг савдосида гул оразингдин бехабар сонма,
Нигоҳ тиги била гул гунчадек кўнглимни сероб эт.

Юраклар пора-пора, тах-батах кондур жигар, Жоний,
Чаманда сийна очиб, гул яко чокини ноёб эт.

* * *

Маломатлар етишти сачга, эй жон, мен ёмондин кўп.
Нечаким менга етти сарзаниш ахли замондин кўп.

Агар булбул чаман сахнида юз йил навха тортаркан
Эмастур бир нафас мен бенаво чеккан фигондин кўп.

Итинг бирла менинг шаънимда сонсиз можаролардур,
Басо, Фарходу Мажнун элга килган достондин кўп.

Жамолингдин кўзум богида бир наврас гул очилмиш.
Шукухи жилvasи юз гулшану минг гулситондин кўп.

Сари кўйингда танҳо мен киби зору хазин йўктур,
Агарчандеки сенда ўртаган бехонумондин кўп.

Кадинг сарвини истаб бир гулистон ичра кўз солдим,
Анга монанд кўзга кирмади сарви равондин кўп.

Адамдур, беибодур Жонийи мискин, афокаллох,
Жаҳон ичра баҳосин килмагил ахли замондин кўп.

* * *

Тун окшом оразингдин тўлун ой кўрдим хаёл ичра,
Ўзимдан бордим ул гоятда бўлдим ўзга хол ичра.

На раъно сарвқад давринг гули рухсори зебидин
Чаман ахлинни маҳви ранг айлабдур камол ичра.

Хушо, гулзор аро гулгун узори нарғис олтуни,
Ики заррин газола гурфарокдир хусни ол ичра.

Малохат богидур хуснинг, назокат сенدادур ёри,
Пари пайкар санамлар ходим ўлмишлар жамол ичра.

Менинг коми дилимга захри хажрънг шахди рохатдур,
Бу лаззатни киши топмас юриб юз йил висол ичра.

Не давлатдур менга дилдор ёди бирла жон бермак,
Не мушкул иш эрур охсиз малолидур малол ичра.

Фано бўлмай етишмас белу оғзинг сайрига Жоний
Саропо умр бори сарф ўлмиш кийлу кол ичра.

НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Боги жаннат гулшани хуснингга рухафзо эмас,
Нахли тўби коматингдек сарв гардунсо эмас,
Не деб олам ичра хаттинг рашидин савдо эмас,
Сунбулин Лайли очибдур ел абир осо эмас,
Догини Мажнун конатмиш лолаи хумро эмас.

Бахри хайрат ичра Вомик туздинг, эй Узро узор,
Гулда Лайли аксидур, булбулда Мажнундин шиор.
Бир тараф Ширин хадиси, бир тараф Фарходи зор.
Настаран кўзгусида бир сори мен, бир сори ёр.
Чехра аксин кўргузубдур ул гули раъно эмас.

Савсани тўн бирла сабзи хат муносибдур анга.
Нилуфарга хол юзида мазхари нурул-худо,
Мунча зебу зийнат или сарви каддидин адо,
Гулга ўхшатган каби ёримни гўё bog аро,
Музтариб кўнглум кушидур булбули шайдо эмас.

Гүиё шамсу камардур хусн шахристонида.
Кўрмадим ул хурваш шабхуни ризвон ёнида,
Гулжабинлар хасратидин бош кўйуб остоноида,
Гулни сарв узра хаёл этдим кўнгул бўстонида.
Рост айтиб сарви гулрўйим киби зебо эмас,

Ул ситамгардин кўнгул хифзига килдим эҳтиёт,
Хар касу нокас била бехуда килмай инхирот.
Мутриби гулчехра илхони-ла туздим инбисот.
Доим афгонимда булбул ноласидии йўқ нишот.
Ул хам андухзо эмас, бул хам нишот афзо эмас.

Новаки мужгон этиб ул шўх чўк гўстог аро,
Колди кўнглум захми пайконидин асру дод аро,
Хизр бўлсун йўқ иложи кирмайин туфрог аро,
Бўлмангиз магрури хусн, эй шўхларким, бог аро,
Сиз киби бултурги гуллардин бири пайдо эмас.

Кошларининг эгмасидин аксдур кавси кузах,
Ёй агар булдур жаҳон ичра савод этмас шабах,
Жоний ўз гулчехраси ҳенсонидин топмиш фарах.
Менга гулрух соки-ю, булбулга гул тутти кадах,
Мастдур улким, Навоийдек vale расво эмас.

ФУЗУЛИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Завкиминг вори ўшал тожи сазовора фидо,
Шавкиминг шухраси бошинг уза зар тора фидо,
Кўнглуминг махзани гул орази гулнора фидо,
Жониминг жавхари ул лаъли гухарбора фидо,
Умриминг хосили ул шеваи рафтора фидо.

Канд дерлар сўзинги, йўхса малоҳат кони,
Рамзидин гул тўкилур, дур гухари эхсони,
Кўзларим ул ики меҳроби яшил хайрони,
Дард чекмиш бошим ул чашми сиях курбони,
Тоб кўрмиш таним ул турраи таррора фидо.

Сарв дерлар кадинга аслида жаннат шажари,
Гуллари руҳи равон, инсу малакдур самари,
Юзларим лолалари шабнами сони сахари,
Кўзларимдин тўкулан катраи ашким гухари,
Лабларингдин сочилан луълуи шахвора фидо.

Юзинга садка чаман сайрида гул соралари,
Бенгзатурлар дахи насрин киби бечоралари,
Кўзларим оқида мардум деялар коралари,
Чок кўксумда ўлан конлу жигарпоралари,
Маст чашмингда ўлан гамзаи хунхора фидо.

Кўзларинг ўки ўтуб кўксима бал жонимдин,
Катра конлар тўкула хар сари мужгонимдин,
Бехабар бўлдум ўшал этдуги пайконимдин,
Пора-пора дили мажрухи паришонимдин,
Сари кўйингда киран хар ита бир пора фидо.

Манга даст берса висолинг унин ошуртордим,
Кирпиким найза килиб душманингни туртордим,
Шукрлиллаҳки кўйинг хокина кўз суртордим,
Жону дил кайдини чекмақдин ўзум куртордим
Жонни жононима килдим, дили дилдора фидо.

Тонг дагил булбул агар тутса гулистонни азиз,
Дўгулуб гули хумро килса бу бўстонни азиз,
Жоний, хоконлар аро беклади султонни азиз,
Эй Фузулий, нўла гар сахлар эсанг жонни азиз,
Вакт ўла ким ўла бир шўхи ситамгора фидо.

РУБОИЙЛАР

Зулф эмас рухсори жонон узра умридур дароз,
Ул жихатдин хасратиднн күрмайин жон берсам оз,
Кокилинг торига банд ўлди күнгүл не важхдин,
Улса ул нисбат била саргашталикда сарфароз,

* * *

Коматинг сарвинда күрдим икки гулшанвор гул,
Икки гулгун оразинг аксиму, ё дастор гул.
Лаъл гул барги жабин, гулнор рухсору закан.
Хар бирин ёлгон эмас айтилса юз харвөр гул.

* * *

Ой талъати мох ёна күрдим.
Гафлатда эдим уёна күрдим.
Лутф этдингу бошим узра келдинг,
Шукрки юзунгни кона күрдим.